ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 99 (9.749) 2002 йил 23 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **ШАҲРИМИЗ** фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида уюштирилган анжуман «Урф-одатларимиз — маънавиятимиз кўзгуси» деб номланди.

● **«ТОШКЕНТ**—Шератон» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Гиёвандликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик» мавзуидаги анжуманда Осиё мамлакатлари Адлия вазирлари иштирок этишди.

● **ТАЪЛИМ** соҳасини ривожлантириш мақсадида пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан АҚШнинг Тинчлик корпуси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланганлигига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтган ижодий кеча машҳур раққоса Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланди. Унда раққосанинг шогирдлари ва мухлислари иштирок этишди.

● **ШУНИНГДЕК** «Турон» универсал кутубхонасида адабий жамоатчилик иштирокида ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдулҳамид Чўлпон ижодига бағишланган кеча ўтказилди.

● **БАДИЙ** академиянинг Кўргазмалар залида истеъдодли рассом Абдулҳаким Каримовнинг 40 дан ортиқ «Кўнгил» мавзуидаги шахсий асарлари кўргазмаси санъат шинавандаларига тухфа этилди.

БУНЁДКОРЛИК

Йўлсозлар ғайрати

Шаҳримизда йўлсозларнинг самарали меҳнатлари эвазига бунёд этилаётган кичик Ҳалқа йўлининг 6,3 километр узунликдаги иккинчи қисми Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами кунларида фойдаланишга топширилади.

Ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари учун мана шу ажойиб тухфани ҳозирлашда фаол иштирок этаётган бунёдкорларнинг айни кунларда ишлари тиғиз, қўллари-қўлларига тегмайди. Шаҳримизнинг 9 та туманини қамраб оладиган умумий узунлиги 32 километрни ташкил этувчи кичик Ҳалқа йўлининг 6,3 километри ўтган йилда қурилиб, яна 1,8 километри қайта таъмирланди. Амир Темур кўчасидан Фарғона йўли кўчасигача бўлган йўлнинг ушбу қисмида 5 та кўприк ҳам тикланди. Бугун эса йўлнинг Авлиё ота кўчасидан Усмон Носир кўчасигача бўлган қисми фойдаланишга топширилиш арафасида.

Албатта, кенг ва равон йўллар ҳам пойтахтимиз кўрки, ҳам транспорт қатнови учун ниҳоятда қулай. Айниқса, кичик Ҳалқа йўлининг фойдаланишга топширилиши ҳалқасимон тўхтовсиз ҳаракат жараёнини давом эттириб, ҳайдовчилар вақтини тежашда, тиқилинчларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам ушбу қурилиш майдонида ҳар куни 400 нафардан зиёд бунёдкор меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга йўлнинг текис ва равон, мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида замонавий техника воситаларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Қурилишнинг бош пудратчиси «Шаҳарйўлтаъмирқурилиш» трести бўлиб, унга қарашли 1-, 2-, 4-таъмир-қурилиш бошқармаларининг тажрибали йўлсозлари вазифаларини сидқидилдан бажаришяпти. Албатта, йўл қурилиши оддий эмас, унинг ўзига хос машаққатлари, қийинчиликлари ҳам бор. Қурилиш жараёнида ер ости муҳандислик-коммуникация ишлари, ёритиш мосламаларини ўрнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларини адо этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қурилиш ишларини амалга оширишда йўлсозларга «Тошмуҳандисқурилиш», «Сувсоз», «Тошлелефонқурилиш», «Тошшаҳарнур», «Метрокурилиш», «Элеком» сингари корхона ва фирмаларнинг тажрибали мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Шунингдек, ҳашарлар уюштирилиб, уларда пойтахтимиз фуқаролари ободонлаштириш ишларида фаол қатнашишмоқда.

— Йўлсозларимиз қутлуғ шодиёна арафасида зиммаларидаги юксак вазифани адо этиш, Истиқлол айёмини муносиб кутиб олиш учун ҳар бир дақиқадан ҳам унумли фойдаланишга интиляптилар, — дейди «Шаҳарйўлтаъмирқурилиш» трести бошқарувчиси ўринбосари Жамол Камолиддинов. — Йўл қурилишида энг муҳим эътиборни сифат ва мустаҳкамликка қаратаяпмиз. Бу борада ишчи-хизматчиларимизнинг тажрибалари етарли. Айниқса, Жўрақул Бўтаев, Александр Шашков, Собит Расулов, Камолиддин Ҳаққулов, Сирожиддин Умрзоқов, Асқарали Пўлатов сингари бунёдкорларимизнинг номларини алоҳида таъкидлаган ҳолда, барча йўлсозларимизнинг ғайрат-шижоатини кўрсатиб ўтиш керак. Насиб этса, жамоамиз аҳли кичик Ҳалқа йўлининг давом этадиган босқичларида ҳам ўз меҳнатларини намоён этиб, ҳамшаҳарларимиз, барча транспорт воситалари ҳайдовчилари учун қулайлик яратадилар, унинг жаҳон андозаси даражасида бунёд этилишида ўз ҳиссаларини қўшишади.

Дилноза ГИЁСОВА

Суратларда: кичик Ҳалқа йўли қурилишидан лавҳалар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Ғолиблар тақдирланди

Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан пойтахтда май-август ойларида илк бор 31 хилдаги касб заҳматкашларининг кўрик-танловлари ўтказилиб, малакали мутахассислардан тузилган комиссиялар ғолибларни аниқлаганди.

Ўз соҳасининг энг яхши мутахассисларини аниқлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловнинг айрим турлари бўйича, масалан Қурувчилар кунида энг яхши дурадгор, ғишт терувчи, пайвандловчи, «Маҳалла куни» байрамида энг яхши маҳалла, оқсоқол, энг обод кўча каби йўналишларнинг ғолиблари тақдирланди.

Куни кеча — Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси, Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Тошкент почтамти» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Тошшаҳармаишийхизматуюшма»си, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти бўйича ўтказилган танловларнинг ғолибларига мукофотларни топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Ғолибларни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев қутлади ва диплом ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширди. Шундай қилиб Тошкент шаҳридаги «Энг яхши ширкат» номига Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн-Замондош» уй-жой мулкдорлари ширкати сазовор бўлди. Шуни айтиш керакки, ушбу ширкатга 33 та кўп қаватли уй бирлашган бўлиб унинг бутун ҳудуди саранжом-саришта, ҳонадон соҳибларининг коммунал тўловлари бўйича қарзлари йўқ. Ҳашар йўли билан бу ерда 2 та фаввора ва боғ-ҳиёбон бунёд этилган. Бир сўз билан айтганда «Хумоюн-Замондош» шаҳримиздаги 393 та ширкат ичида энг намуналисидир.

«Энг яхши фаррош» йўналиши бўйича Миробод туманидаги «Олмазор коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатининг фарроши Гулбаҳор Абдуллаева ҳамда Марказий майдонлардан фойдаланиш ихтисослаштирилган бошқармаси фарроши Муқаддас Дўстмуҳамедова ғолиб чиққан бўлса, шу бошқарма боғбони Ислом Мирзаев «Энг яхши боғбон» бўлди. Шунингдек, Ҳамза туманидаги «Шодлик хизматчи» уй-жой мулкдорлари ширкатининг чилангари Александр Кановалов «Энг яхши чилангар», Яккасарой туманидаги «Ҳайитмат бобо» уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган Фарҳод кўчасидаги 12-уй «Энг намунали кўп қаватли уй» деб топилди.

Бош почтамт почтальони Муҳаббат Бўтабоева, «Лазокат» ва «Эльза» гўзаллик салонларининг сартарошлари Миржалил Исамуҳамедов ва Елена Ставропулу, станцияларо алоқа тармоғининг кабельчилар бригадаси бригадири Радик Гайфуллин ҳам ўз соҳалари бўйича шаҳарда энг яхши мутахассис деб топилиб, муносиб тақдирландилар.

Бундай кўрик-танловлар эндиликда анъанавий тарзда ҳар йили ташкил этилади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: касб фидойилари кўрик-танлови ғолиблари.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дҳанапалани қабул қилди.

●Кеча Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

●Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ғўза парваришининг боришига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

●Кеча пойтахтнинг Бош темир йўл шоҳбекати одатдагидан ўзгача тус олди. Бу ерда «Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус» йўналишида йўловчиларни ташиш бошланишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

●Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан икки давлат ўртасида техник ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

●Қувасой шаҳридаги «Кварц» акционерлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

●Республика Байналмилал маданият маркази «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Навоий шаҳрида мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивалини ташкил этди.

●Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ахборот технологиялари ва Интернет бўйича махсус курс тингловчиларига сертификатлар топширилди.

●Ватанимиз Мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг III жилди кенг ўқувчилар оммасига тухфа этилди.

●Андижондаги «Шодлик» қаҳвахонасида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун байрам кечаси бўлиб ўтди.

●Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Кундуз куни ҳаво ҳарорати 35-37 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

●Хабар берганимиздек, жорий йилда иккинчи марта Россияга ташриф билан келган Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти Ким Чен Ир бугун Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашади.

●Германия канцлери Герхард Шрёдер солиқларнинг қисқартирилиши ҳақидаги ваъда кечиктирилишини маълум қилди.

●Чехия Республикасида қирғоқлардан тошган сув чекина бошлади.

●Россия мудофаа вазирлиги душанба куни «Ми-26» вертолётининг ҳалокатга учраши боис, ҳалок бўлган 114 кишининг рўйхатини эълон қилди.

●АҚШ қуролли кучлари афғон иттифоқдошлари билан бирга «Толибон» ва «Ал-Қоида» жангариларига қарши навбатдаги амалиётни бошладилар.

●Москвада Давлат думаси депутати, «Либеральная Россия» партияси ҳамраислиларидан бири Владимир Головлев номаълум кишилар томонидан отиб ўлдирилди.

●Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритди. Шунга мувофиқ у энди парламентни тарқатиб юбориш ва шахсан ўзи армия ва флот қўмондонларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

●Эртага Украина ўз мустақиллиги кунини нишонлайди.

●Косоводаги тинчликларвар кучлар террорчилик ташкилотларига дахлдорликда айбланаётган бир гуруҳ чет эл фуқароларини асирга олди.

●Хитой ҳукумати Хунань вилоятида фавқулодда ҳолат эълон қилди ва тошқинлар билан курашиш учун қўшимча кучлар юборди.

●Ҳиндистоннинг Ассам штатида полициячилар кетаётган автомобилнинг портлаши натижасида 4 киши ҳаётдан кўз юмди ва 18 киши жароҳатланди.

●Канаданинг Торонто университети олимлари уйқусизликни даволашнинг янги усулини топишди. Улар миядан тараладиган тўлқинларга мос мусиқа яратишди. У янграшининг маълум бир пайтида одамнинг асабийлашиши пасаяди ва у ухлаб қолиши мумкин.

●Британиялик Лес Силс исмли қария учаётган самолёт қанотида спортчи сифатида маҳоратини кўрсатиб, Гиннеснинг китобига энг кекса ҳаво акробатчиси сифатида киритилди. Қария ҳозир 88 ёшда.

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҮЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Касбга садоқат

Қадимдан ота-буваларимиз оилада фарзанд туғилса, албатта унга чиройли, маъноли исм топиб қўйишган. Шу номга муносиб ўғил-қиз бўлсин дея ният қилишган. Донохоннинг ҳам ёшлигида ота-оналари қизларига бежиз Доно деб исм қўйишмаган экан.

Доно ёшлигидан мактабда ўзининг ўткир зеҳни, билими билан бошқалардан ажралиб турарди. Ҳамма нарсага қизиқувчан, интилувчан бўлиб вояга етди. Жамоат ишларида доимо фаол қатнашди. Мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач Ўзбекистон Миллий университетида собиқ Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Ўқишни ҳам муваффақият билан тугаллагач, Донохон шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек туманидаги давлат нотариал идорасида давлат нотариуси сифатида иш бошлади. Ўз соҳасининг етук билимдони бўлган Доно бу касбга меҳр қўйиб, тез ўрганиб, билим ва тажрибасини бойитиб борди. Унга мурожаат қилган фуқароларнинг ҳар хил ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам бериб, керакли маслаҳатларини аямай, одамлардан доимо раҳмат эшитди, кексаларнинг дуоларини олди. Донохон Ишонова бора-бора ўз касбининг етук билимдонига айланди. Бу касбда албатта ҳуқуқий саводхонлиги юксак бўлган кишиларгина ишлайди албатта. Бу соҳада етарли билим олган Доно ота-онаси орзу қилган ўзи ҳам Доно, сўзи ҳам доно бўлиб етишди. 1991 йилдан бошлаб Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон давлат нотариал идорасида катта давлат нотариуси бўлиб хизмат қилмоқда. У нотариал идорага мурожаат қилган фуқароларга аввало нотариус ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини аниқ тушунтириб, ундан сўнггина расмийлаштиради.

Доно Ишонова нафақат ишда, балки аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда фаол ишлар олиб бормоқда. У туман хотин-қизлар қўмитаси Раёсати аъзоси. Шунингдек маҳаллалар, мактабларда ҳуқуқий саводхонлик бўйича ўтказилган тадбирларда доимо қатнашиб келмоқда.

— Инсон ўз касбига меҳр қўйиб, ҳалол меҳнат қилса, албатта раҳмату олқишлар, дуолар ёғилавераркан. «Олтин олма, дуо ол» деб халқимиз бежиз айтмаган. Мен ҳам ўз касбимга астойдил меҳр қўйиб, қизиқиб ишлайман, — дейди Доно. — Идорага асосан фуқаролар турли хил ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат қилишади. Нотариал идорада васиятномалар, турли шаклдаги шартномалар, яъни уй-жой олди-сотдиси, уй-жойларни, автомашиналарни ҳадя этиш ва алмаштириш шартномалари расмийлаштирилади. Бу ишларда доимо фуқароларга тезликда ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги кунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан уларга кредит берилмоқда. Кредитни таъминлаш учун мол-мулкни гаровга қўйиш шартномалари ҳам давлат нотариал идораларида расмийлаштирилади. Бундай ишлар мен учун қизиқарли албатта. Касбим билан фахрланаман. Халқимиз, айниқса аёлларга, ёшларга ҳуқуқий саводхонликларини оширишда қўлимдан келганча ёрдамимни аямайман.

Ҳа, Доно Ишонова нафақат ишда, балки оилада ҳам талабчан, ҳам меҳрибон она, севикли бека. Турмуш ўртоғи билан уч фарзандлари— бир ўғил, икки қизларини меҳнатсевар, билимли қилиб вояга етказмоқдалар. Ҳам ишда, ҳам оилада хушмуомаласидан, доно маслаҳатларидан кўпчилик миннатдор. Ҳақиқатан касбига меҳр қўйган кишининг ишида ҳам унум, оиласида бахти баркамол бўлади албатта.

Дилором ИКРОМОВА

МУСОҲАБА

Она ва бола саломатлиги йўлида

Она — ҳаёт, бола эса авлод давомчиси. Шундай экан азизу мукаррам оналаримиз, опа-сингилларимиз, ҳаётимиз мазмуни бўлган фарзандлар саломатлигини сақлаш энг муҳим вазифаларимиздандир. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил қилинган «Аёл, экология ва саломатлик» уюшмасининг раиси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институтининг директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар МАҲМУДОВА она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида уюшмада қилинаётган ишлар, уюшманинг асосий мақсади ва вазифалари хусусида бизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган «Аёл, экология ва саломатлик» уюшмаси барча давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш ва улар аниқланганда вақтида даволанишига ёрдам беради. Аҳолининг тиббий саломатлигини ошириш, оналар ва болалар ўртасида касаллик, ўлим ҳолатини кескин камайтиришга ўзининг улушини қўшиб келмоқда. Уюшмада жуда кўп йиғилиш, тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Куни кеча ўзбек Миллий академик драма театрида Истиқлолимиз шарофати билан 9 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ҳамшира» кўрик-танловида биринчи марта «Аёл, экология ва саломатлик» уюшмасининг саволлари билан ҳам 3-шарт бўйича иштирок этишди. Бундан ташқари уюшма аъзолари «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари билан маҳаллаларга чиқиб, аёлларни йиғиб, уларнинг тиббий саводхонлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Тиббиёт соҳаси бўйича уларни қизиқтирган саволларига жавоб берамиз. Бу учрашувлардан ташқари, турли институтларда, мактабларда, яна ўқув йили бошланса ишларимиз жадаллашади. Ўсмир қизлар ва йигитлар билан сўранг, жавоб берамиз мавзуида қизиқарли тадбирлар ўтказамиз.

Хабарингиз бор, соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қарорнинг асосий бандлари айнан аёл, оила саломатлиги ва Ўзбекистонда дунёга келувчи ҳар бир фарзанднинг мукаммал ўсиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган. «Аёл. экология ва саломатлик» уюшмасининг асосий вазифалари ҳам айнан ана шу йўсиндадир. Бу уюшмага олималар, шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари, умуман, шаҳримизда ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган ўзининг фаоллиги билан ён-атрофидагиларга ҳам таъсир этувчи инсонлар жалб этилган. Биз олдимизга қўйётган асосий вазифалар айнан ҳар бир оилаларга кириб бориш учун қилинаётган ишлар, дастурга киритилган аёл репродуктив саломатлиги, яъни дунёга соғлом фарзанд келтириш учун талаб қилинган дастурий ёндошишларни татбиқ қилишга қўлимиздан келганча ёрдам беряпмиз. Бу юмуш маҳаллаларга чиқиш йўли билан, ёшлар орасига кирган ҳолда амалга оширилмоқда. Уюшмада «Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда анча ишлар қилинди.Бундан ташқари тиббиёт соҳасида тиббий ходимларга ҳам ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ёрдамидан фойдаланиш мақсадида дастур ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан биргаликда салмоқли ишлар қилинди.

Шаҳримизда жуда яхши бир тажриба бор. Бу янги ҳаёт қураётган келин-куёвларни ўз вақтида, яъни турмуш қуришларининг энг бошида текшириб, саломатликлари тўғрисида қандайдир муаммолар бўлса, уларга маслаҳат бериб ва бунинг келгусида дунёга келувчи фарзандлари учун катта аҳамиятга эга эканини тушунтиришга ҳаракат қилинади. Хабарингиз борки, республикада кенг ёйилган ҳаракат айнан Тошкент шаҳрида бошланган. У ҳам бўлса болани кўкрак сути билан боқишни муҳофаза қилиш ҳаракати. Республикада ҳар бир гўдакни она сути билан боқишни муҳофаза қилишга қаратилган анжуманлар тез-тез ўтказилмоқда.

Гулнора ҲАМИДОВА ёзиб олди.

ФИДОЙИЛАРИМИЗ

Маҳалла жонкуяри

Мана ўн бир йилдирки мамлакатимизда айниқса аёллар, хотин-қизларга чуқур эҳтиром, беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Аёлларимиз ҳар жабҳада илғорликларини, оқилу доно, тадбиркор эканликларини намоён этмоқдалар.

Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган Дилбар Жўрабекова ҳам мана 30 йилдирки маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Маҳалладаги ҳар бир хонадон, ҳар бир қайнона, келин Дилбар опага яхши таниш. Опа кириб бормаган оила бўлмаса керак. Эрхотин, қайнона-келин ўртасидаги баъзан учраб турадиган келишмовчиликлар дейсизми, муаммолар дейсизми, Дилбар опанинг ширин сўзлари, маслаҳатлари туфайли албатта ўз изига тушиб, тинчиб кетади. Маҳалладаги хотин-қизларни иш билан таъминлашда ҳам опанинг жонкуярликлари беқиёс.

Маҳаллада айниқса тўй-ҳашам ёки бирор маърака-йиғинлар Дилбар опанинг маслаҳатисиз ўтмайди. Бинобарин, тўйлар ва маъракалар исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатга йўл қўйилмай, дабдаба билан эмас, чиройли, меъёрида ўтказилмоқда. Бундан албатта маҳалла аҳли жуда мамнун.

— Халқ ичида 30 йил меҳнат қилиб ишимга шунчалик меҳр қўйганманки, маҳалламни гўё ўз оилам деб биламан, — дейди Дилбар опа. — Мана, мустақиллигимиз биз аёлларга ҳам жуда катта имкониятлар берди. Ўзбек аёлларининг нақадар оқила, доно, ишбилармон, эканликларининг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Аёлларимиз ичида олималар, шоиралар, шифокорлар, санъаткорлар кўплаб етишиб чиқмоқда. Мамлакатимиз довруғини ҳаттоки чет элларга ҳам ёйишмоқда. Бундан фахрланмай бўладими. Бу ҳамма истиқлол шарофатидан. Тинч ва фаровон юртимизга кўз тегмасин илоҳим.

Ушбу шукуҳли кунларда Истиқлолимизнинг қутлуғ 11 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибмиз. Энг Улуғ, энг Азиз байрамимизни маҳалламиз аҳли шоду ҳуррамлик билан кутиб олиш ниятида, маҳаллада аввало кенг кўламда ободончилик ишлари амалга оширилди. Қарияларни қадрлаш йили ҳамда Мустақиллик байрамига бағишлаб «Бир пиёла чой устида» номли тадбир ўтказиб, унда маҳаллада истиқомат қилаётган кекса отахон ва онахонлар, кам таъминланган оилаларга совғалар бериш ниятидамиз. Бундан ташқари ёрдамга муҳтож оилалар, ногирон ва беморларга ёрдам кўрсатиш бу маҳалланинг доимий ва асосий вазифаларидандир. Айни кунларда каттаю кичик ушбу шодиёна байрамни ёруғ юз билан, ҳар ким ўз меҳнатидаги ютуқлари билан муносиб кутиб олиш иштиёқида. Бу дориломон кунларнинг, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиб, минг бора шукроналар айтишимиз керак. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамюртларимизни, энг Улуғ ва энг Азиз байрамимиз билан муборакбод этаман. Юртимизда ҳамиша тинчлик, фаровонлик ҳукм сурсин деб дуо қиламан.

Гулюром ШОКИРОВА

СУРАТДА: Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси Дилбар Жўрабекова маҳалла аёллари даврасида.

БЕКА

«Севимли онамга» торти

Масаллиқ: 6 та тухум, 2 стакан шакар, 2 стакан сметана, 3 чой қошиқ какао, 1 стакан майдаланган ёнғоқ мағзи, 1 стакан ивитилган майиз, 1 чой қошиқ сода, 2 стакан ун. Масаллиқларнинг ҳаммаси аралаштирилиб хамир қорилади. Хамирни 2 қисмга бўлиб, 2 та кулча пиширилади.

Кремига: 350 грамм сариёғ кўпиртирилиб, 1 банка қуюлтирилган сут, 2 ош қошиқ лимон ёки апельсин шарбати, 1 ош қошиқ коньяк қўшилади. Тайёр торт ичига ва устига крем суртгач, усти ёнғоқ мағзи, апельсин бўлаклари билан безатилади.

Олмали жем

Беш ёки ўн килограмм олмани ювиб, тўртга бўлиб уруғи олиниб, тўғраб мясорубкадан ўтказилади. Унга 1 ёки 2 килограмм шакар солиб қозонда аввал баланд оловда, сўнг паст оловда пиширилади. Фақат тез-тез кавлаб туриш керак. Қозонни усти ёпиқ ҳолда газ духовкасига ҳам қўйиш мумкин. Олмали жем сарғиш жигарранг тусга кириб, шираси устига чиқгач тайёр ҳолга келади.

Душанба 26

1 TV

Телетомошабинлар диққатига! «Ўзбекистон» телеканали 26 август куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамонлари». «Пойдевор». Видеофильм. 2-қисм.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.40 «Шу азиз Ватан барчамизники».
18.00 Янгиликлар
18.10 «Мусиқий танаффус».
18.20 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Наманган вилояти.
18.45 «Бахтли воқеа». Телетерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
21.25 ТВ клип.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамонлари». Пойдевор». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
22.30 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
23.00 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.
23.50 «Ахборот - дайжест».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким ваққон?»
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.30 «Қуёш командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.20 Давр-news.
12.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Самарқанд вилояти. Видеофильм.
13.10 Самарқанд наволари.
13.20 «Ғойибдан келган одам». Бадиий фильм.
14.50 Синфдош.
15.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.00 Саломат бўлинг.
16.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси.
17.15 «Денгиз ирлари». Мультсериал. 6-қисм.
17.40 «Озод элим-ойдин йўлим» кўрик-танлови: Наманган вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
18.10 Спорт ҳафтаномаси.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Илдиз ва ярпоқ.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар
21.15 «Эсмеральда». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат ҳаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Гиннесшоу».
17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 17-қисм.
18.15 «Камалак».
18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Авто-news».
19.20 «ТВ плюс».
19.40 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғорининг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 22-қисм.
22.25 «Пойтахт шарҳи».
22.50 Кинонигоҳ. «Фландрия ити».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 Махсус репортаж.
17.40 Софи Марсо ва Филип Нуаре «Д'Артаньяннинг кизи» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 Кинематограф. «Қуйлаётган аёл». Бадиий фильм.
21.45 «Эсмеральда». Телесериал.
22.00 Олтин мерос.
22.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Гиннесшоу».
17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 17-қисм.
18.15 «Камалак».
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.20 «Туризм ҳақида».
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғорининг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 23-қисм.
22.50 Кинонигоҳ. «Кўза».
23.20-23.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Хазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.55 «Талабларга биноан бекат-2». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Молдова», Ҳужжатли фильм.
20.45 Кинематограф. «Муҳаббат мактуби». Бадиий фильм.
22.20 «Ахборот» (рус тилида)
22.55 «Туннигиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
18.00 «Умид уйи». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Бойваччанинг хотини».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Сўнгги татуировка».
23.15 «30-канал»да спорт.

1

5.00 «Хайрли тонг» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар.
8.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
9.10 «Билимдонлар» қайтмоқдалар». Сериал.
11.15 «Блэк Жек». Жангари фильм.
12.55 Мўъжизалар майдони.
14.15 Мўъжизалар мамлакати. «Фельи огир бола».
15.55 «Каллоблар». Сериал.
17.15 Махсус репортаж.
17.40 «Д'Артаньяннинг кизи». Саргузашт фильм.
20.00 «Время».
20.35 "Зарбдор қуч". Кўп серияли фильм.
21.40 «Мутлақ қотиллар». Сериал.
22.05 «Футболда» В. Гусев билан.
22.35 «Зарбли хизмат». Сериал.
23.00 Тунги «Время».
23.15 Э. Радзинский. «Қандай қилиб Наполеон бўлиш мумкин?». 1-қисм.
23.55 «Ҳеч қаерлик одам». Триллер.

РТР

03.45 — 06.45 «Хайрли тонг, Россия!»
6.45 «Жаннат олмаси». Бадиий фильм.
8.30 «Ҳа». Кичик комедиялар.
8.50 Хабарлар. Навбатчи қисм.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 Хабарлар.
9.20 «Катта дўкон». Комедия.
11.30 «Архив сирлари». Ҳужжатли сериал.
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 «Аёл нимани истайди?». Ток-шоу.
13.25 «Ёввойи фаришта. Қайтиш». Телесериал.
14.20 «Оддий ҳақиқатлар». Телесериал.
15.20 «Ишонч, умид, муҳаббат». 16.20, 18.35 Хабарлар — Москва.
16.50 «Ўғри қиз». Сериал.
17.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар».
18.55 «Каменская». Детектив сериал.
20.25 «Қонун». Сериал.
21.35 «Чақирув». Ўткир сюжетли фильм.

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05-7.50 «НТВда тонг».
7.50 «Бир-бирига мос жуфтлик» Сериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Менинг севимли масхарабозим». Бадиий фильм.
11.00 «Бугун».
11.20 «У қотилликни баён этди». Детектив. 1-қисм.
13.00 «Бугун».
13.05 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.40 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.25 «Бойнинг туғилган куни». Телесериал.
16.30 «Қотиллик манзараси». Детектив сериал.
17.35 «Криминал».
18.00 «Бугун».
18.40 «Чироклари синиқ кўчалар». Телесериал.
19.45 «Бойнинг туғилган куни-2». Сериал.
21.00 «Бугун».
21.40 «Тез ёрдам-4». Сериал.
22.35 «Чироклари синиқ кўчалар». Телесериал.
23.40 Гордон.

ТВ3

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Пала-партиш алоқалар». Бадиий фильм.
11.30 «Оиланинг қорли тўйлари». Бадиий фильм.
14.00 «Паталогоанатом». Бадиий фильм.
15.30 «Тактик ҳукум». Бадиий фильм.
18.00 «Хайрли тун». Бадиий фильм.
20.00 «Қутурган автобус». Бадиий фильм.
22.30 «Олтин хотин». Бадиий фильм.
0.30 «Чўқурлик». Бадиий фильм.

REN TV

8.00 «МЭШ». Телесериал.
8.30 Метро.
8.45 «Икс-мен». Мультсериал.
9.10 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
9.35 «Луи билан ўтган умр» мультсериали.
10.00 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30 «24» ахборот дастури.
10.45 «Йиғлаётган қотил». Жангари фильм.
13.30 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 «Гувох».
15.15 «Ўлим ҳоналари». Сериал.
16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
17.00 «Луи билан ўтган умр». Мультсериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
18.00 «Икс-мен». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Оилавий эҳтиросларл». Ток-шоу.
20.55 «Қотиллар конференцияси». Сериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Бир ўзи ҳаммага қарши». Жангари фильм.
1.20 Футбол қурьери.
1.55 Кечки мусиқий канал.

ТНТ

6.00 «Истак ҳукмронлиги». Сериал.
7.00 «Фантагира». Мультсериал.
7.30 «Кэнди-кэнди». Мультсериал.
8.00 «Твист қувноқ оиласи». Телесерила.
8.30 «Ғаройиб жонзотлар-4».
9.00 «Вертикал бўйлаб пойга». Детектив 1-қисм.
10.40 Мультфильм. «Кўзикорин-ўйча».
10.55 «Биринчи тўлқин». Фантастик сериал.
12.00 «Фантагира». Мультсериал.
12.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
13.00 «Твист қувноқ оиласи». Сериал.
13.30 Мультфильм. «Мажнунтол тагидаги саргузаштлар».
13.45 Теледўкон.
14.30 «О, омадли!». Шоу.
15.30 «Ойналар». Ток-шоу.
16.30 «Ёқимли алдов». Детектив.
19.00 Ҳажвий дастур. «Доим тайёр».
19.30 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Сегоднячко».
21.30 «Қора мушук, оқ мушук». Комедия.
0.25 ТНТда мусиқа.
0.40 «Эҳтиросларл империяси». Шоу.
1.35 «Ойналар». Ток-шоу.
2.35 «Сегоднячко».
3.35 «Лус-Мария». Сериал.
4.30 «О, омадли!». Шоу.

ТВЦ

7.00 «Қайфият».
10.05 «Бир кун қанотларимиз ўсиб чиқди». Телесериал.
10.50 «Ёввойи табиат олами». Телесериал.
11.20 Мультфильм. «Олмалар ҳалтаси».
11.40 Петровка, 38.
12.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Ўз уйинга юр.
12.20 Теледўкон.
12.30 Заминнинг тўрт ранги.
13.00 дан 19.00 гача каналда профилактика.
19.00 Воқеалар. Москва вақти.
19.20 Мода non-stop.
19.40 Мультфильм. «Комедиант».
20.05 «Азизам Изабель». Телесериал.
20.50 Беш дақиқа ишбилармон Москва билан.
21.05 «Киллер-2». Комедия.
23.00 Воқеалар. Москва вақти.
23.45 Временко.
0.15 «Комиссар Мулен». Телесериал.
1.10 25-нчи соат. Воқеалар.
1.30 Петровка, 38.
1.50 «Атрофимиздаги олам».

Сешанба 27

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи».
9.10 «Соғлом она - соғлом бола».
9.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Химмат».
10.20 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
11.25 «Чегарачи».
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамонлари». «Пойдевор». Видеофильм. 3-қисм.
14.10 «Талабалик йилларим».
14.30 Кундузги сеанс: «Қайсарнинг қуёлиши». Бадиий фильм.
16.00 ТВ клип.
16.10 «Шу азиз Ватан барчамизники».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
16.30 «Кўшиғим - жон қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тараққиёт йўли».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамонлари» «Пойдевор». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
22.30 «Саҳрада билмас дўстлик».
22.50 «Олам футболи».
23.10 «Ахборот - дайжест.
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Денгиз ирлари». Мультсериал. 6-қисм.
9.55 «Қадрият». 1-кўрсатув.
10.15 Ҳуқуқ ва бурч.
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 «Эсмеральда». Телесериал.
11.15 Болалар экрани: «Айиқча ва аждаҳо». Мультфильм.
12.25 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
12.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сурхондарё вилояти. Видеофильм.
13.25 Сурхон наволари.
13.35 Ёшлар овози.
13.55 Интерфутбол.
15.50 Илдиз ва ярпоқ.
16.10 ТВ-анонс.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Ҳайр, ором ғоҳ!», «Камолот» кунлари.
16.55 «Денгиз ирлари». Мультсериал. 7-қисм.
17.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.35 Ватан манзаралари.
17.55 Чемпион сирлари.
18.15 Умр дафтари: Турғун Алиматов. 1-қисм.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Қашқадарё вилояти. Видеофильм премьераси.
20.55 Ёшлик наволари.
21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар
21.15 «Эсмеральда». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Маслаҳат.
23.15 «Муҳаббат ҳаҳваси». Телесериал.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Нокаут».
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гиннесшоу».
17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 18-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.20 «Туризм ҳақида».
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғорининг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 23-қисм.
22.50 Кинонигоҳ. «Кўза».
23.20-23.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Хазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.55 «Талабларга биноан бекат-2». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Молдова», Ҳужжатли фильм.
20.45 Кинематограф. «Муҳаббат мактуби». Бадиий фильм.
22.20 «Ахборот» (рус тилида)
22.55 «Туннигиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телеҳамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Ўша Мюнхузен". 1-серия.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Сериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаланенинг сокин эҳтирослари». Сериал.
15.50 "30"да спорт".
17.00 Шоу соати.
18.00 «Умид уйи». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Катта таътиллар".
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Юлдуз».
23.15 "30"да спорт. Бокс.

1

5.00 «Хайрли тонг» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар.
8.15 «Билимдонлар» қайтмоқдалар». Сериал.
10.15 «Объектив» дастури.
10.35 «Дисней-клуб». 11.15 «Ой шуъласи» детектив агентлиги». Сериал.
12.15 «Халқ қарши». Телеўйин.
13.00, 20.35 «Зарбдор қуч». Кўп серияли фильм.
14.15 «Пирлар». Э. Беляева.
14.50 «Куртизанкаларнинг бойлиги»ю қашшоқлиги». Сериал.
15.55 «Каллоблар». Сериал.
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Хазил ортидан ҳазил».
18.55 «Талабга биноан бекат-2». Кўп серияли фильм.
20.00 «Время».
21.40 «Хитой миршаби». Сериал.
22.35 «Зарбли хизмат». Сериал.
23.00 Тунги «Время». 23.15 Э. Радзинский. «Қандай қилиб Наполеон бўлиш мумкин?». 2-қисм.
23.55 «Ҳеч қаерлик одам». Триллер.

РТР

3.45 — 6.45 «Хайрли тонг, Россия!».
6.456, 18.55 «Каменская». Детектив сериал.
7.50 «Икки рояль». Мусиқий дастур.
8.50 Хабарлар. Навбатчи қисм.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 Хабарлар.
9.20, 20.05 «Қонун». Сериал.
10.25 «Муваффақият бахоси». Ток-шоу.
11.30 «Катта кўҳалик».
11.45, 16.20, 18.35 «Хабарлар — Москва».
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 «Аёл нимани истайди». Ток-шоу.
13.25 «Ёввойи фаришта. Қайтиш». Телесериал.
14.20 «Оддий ҳақиқатлар». Сериал.
15.20 «Аньанавий йиғилиш». МГУ талабалар театри.
16.50 «Ўғри қиз». Сериал.
17.50 «Хайрли тонг, кичкинтойлар».
21.35 «Мерган». Бадиий фильм.

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05-8.00 «НТВда тонг».
8.00 «Замин қумликлари». Телесериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Дикқат: қидирув».
10.20 «Усимликлар ҳаёти».
10.50 Мазали тарихлар.
11.00 «Бугун».
11.20 Криминал.
11.30 «Аёл нигоҳи».
11.55 «У қотиллиги баён этди». Детектив. 2-қисм.
13.00 «Бугун».
13.05 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.40 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.25 «Бойнинг туғилган куни-2». Детектив сериал.
16.30 «Граф Монте-Кристо». Телесериал.
17.40 «Криминал».
18.00 «Бугун».
18.35 «Чироклари синиқ кўчалар». Сериал.
19.45 «Бойнинг туғилган куни-2». Детектив сериал.
21.00 «Бугун».
21.35 «Тез ёрдам-4». Сериал.
22.35 «Чироклари синиқ кўчалар». Сериал.
23.35 Гордон.
0.25 «Хаммаси бошидан». Триллер.

ТВ3

9.00 «Эътиқодлининг овози».
9.30 «Олишув». Бадиий фильм.
11.30 «Қутурган автобус». Бадиий фильм
14.00 «Олтин хотин». Бадиий фильм.
15.30 «Чўқурлик». Бадиий фильм.
18.00 «Марҳумнинг ошнаси». Бадиий фильм.
20.00 «Конунсизлик». Бадиий фильм.
22.30 «Жаноб Перришоннинг саёҳати». Бадиий фильм.
0.00 Мавзу.
0.30 «Тактик ҳукум». Бадиий фильм.

REN TV

8.00 «МЭШ». Телесериал.
8.30 «Икс-мен». Телесериал.
9.00 «Пауэр Рейнжерс ёки қудратли Рейнжерлар». Телесериал.
9.30 «Луи билан ўтган умр». Мультсериал.
10.00 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.30 «24». Ахборот дастури.
10.45 «Бир ўзи ҳаммага қарши». Бадиий фильм.
13.30 «Яго, қора эҳтирос». Теленовелла.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 «Гувох».
15.15 «Қотиллар конференцияси». Телесериал.
16.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
17.00 «Винштунш». Мультсериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерслар». Телесериал.
18.00 «Икс-мен». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Оилавий эҳтиросларл». Ток-шоу.
20.55 «Қотиллар конференцияси». Телесериал.
22.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Иакованнг зинаси». Мистик триллер.
1.45 «Итальянча ўғирлик». Криминал комедия.

ТНТ

6.00 «Ҳоҳиш ҳукмронлиги». Сериал.
7.00 «Фантагира». Мультсериал.
7.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
8.00 «Твист қувноқ оиласи». Сериал.
8.30 «Ғаройиб жонзотлар-4».
9.00 «Вертикал бўйлаб пойга». Детектив. 2-қисм.
10.40 Мультфильм. «Эски ўйинчоқ».
10.55 «Биринчи тўлқин». Фантастик сериал.
12.00 «Фантагира». Мультсериал.
12.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
13.00 «Твист қувноқ оиласи». Телесериал.
13.30 «Мажнунтол остидаги саргузаштлар». Мультсериал.
13.45 Теледўкон.
14.30 «О, омадли!». Шоу.
15.30 «Ойналар». Ток-шоу.
16.30 «Марта ҳақида бир неча сўз». Мелодрама.
19.00 «Филимонов ва компания». Ҳазил дастури.
19.30 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Сегоднячко».
21.30 «Шкафдаги скелетлар». Триллер.
23.40 ТНТда мусиқа.
23.55 «Эҳтиросларл империяси». Шоу.
0.50 «Ойналар». Ток-шоу.
1.50 Сегоднячко.
2.50 «Лус-Мария». Телесериал.
3.45 «О, омадли!». Шоу.

ТВЦ

7.00 «Қайфият».
10.05 «Бир кун бизда қанотлар пайдо бўлади». Телесериал.
10.50 «Ёввойи табиат олами». Телесериал.
11.20 Мультфильм. «Казаклар қайликларини қандай қилиб қутқаришди».
11.40 Петровка, 38.
12.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.25 «Ҳақиқат лаҳзаси».
14.30 Ишбилармон Москва.
15.00 Воқеалар. Москва вақти.
15.15 «Инспектор Деррик». Детектив сериал.
16.20 Доктор Богданов маслаҳатлари.
16.30 Мусиқий серпантин.
17.00 Ҳудудлар: очиқ мулоқот.
17.30 Мультпарад.
18.00 «Аср изҳуворлари». ТВЦ премьераси.
18.25 Ёриб ўтиш.
19.00 Воқеалар. Москва вақти.
19.15 «Мўъжизасизи мўъжизалар».
20.00 «Азизам Изабель». Телесериал.
«Ўзбекистон» телеканали 1 сентябрь куни сиз азиз телетомошабинларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган хилма-хил кўрсатувлар, клиплар, фильмларни томоша қилишга таклиф этади. Шу куни «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тахлилнома» дастурларининг байрам сонлари, бир неча қисмли «Асрга тенг йиллар» ҳужжатли фильми, вилоятлар билан телекўприклар, мустақиллик байрамларида ижро этилган энг сара қўшиқлар тарихи ва шу қўшиқларнинг ижроси, айнан, шу кун учун ёзиб олинган аския ва телеўйинлар, шоирларнинг озодлик мавзусидаги беллашувлари, машҳур достонимиз асосида суратга олинган «Алпомиш» бадиий фильми, фақат шу кунги марафон учун ёзиб олинган, сиз севган хофизларнинг янги қўшиқларидан ва чет эл мамлакатларининг элчилари, машҳур кишиларнинг табриклари, дил сўзларидан тузилган «Истиқлолим-истиқболим» мусиқий дастури ҳамда «Ҳамрох» видеофильмининг премьерасини томоша қиласиз.
Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азиз телетомошабинлар!
Истиқлолимиз абадий бўлсин!

YOSHLAR (ўзбекча)

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Давр тонги».
8.30 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
8.50 «Томоша қилдиргочлари».
9.20 Оғил дастурхон.
9.40 Давр-интервью.
9.55 Ватан ҳақида қўшиқ.
10.00 Зиғама-зиға.
10.30 Маслаҳат.
11.45 Марду майдон.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Чемпион сирлари. Миржалол Қосимов.
13.00 Ҳандалак.
13.25 «Қўнғ замин оқанлари». Махмуд Номозов қўйлайди.
14.00 «Давр». Махсус сони.
14.15 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
15.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Ўзбекистон ёшлари. Видеофильм.
15.25 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
16.40 «Менинг университетим». Видеофильмининг премьераси. 1-қисм.
17.00 «Давр». Махсус сони.
17.15 «Менинг университетим». Видеофильмининг премьераси. 2-қисм.
17.45 Ёшлик наволари.
18.00 Синфдош.
18.30 «Ўзбеккино» тухфаси: «Халқ сўзи—ҳақ сўз». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 «Нихол-2002» мукофотларининг топшириш маросимидан ёзиб олинган мусиқий дастур.
20.25 Заковат.
21.45 Олтин мерос.
21.55 Иклим.
22.00 «Давр». Ҳафта ичида.
22.30 «Жон ўзбегим элим». Озода Нурсаидова қўйлайди.
23.00 «Кичкина табиб». Бадиий фильм.
00.30-00.35 «Хайрли тун!»

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Болажонлар экрани». «Қизғи қўнғироқлар».
18.55, 20.05, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Жаҳон географияси».
19.55 «Телефакт».
20.20 «Ҳамшаҳарлар».
20.40 «Спорт-клуб».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.20 «Ташриф».
22.00 Кинонигоҳ. «Тўйлар муборак».
23.10-23.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Информациондам олиш дастури.
11.35 «Экран зийнати ва қиймати».
12.00 Болалар соати: «Қизил шапкача». 2-қисм. Бадиий фильм.
13.10-14.10 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Маврид».
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Мюзик-холл».
18.15 «Фидойи». Бадиий фильм.
19.35 «Қулғу хонаси».
20.20 «Оддий репортаж».
20.30 Марлон Брандо «Доктор Моро ороли» фильмида.
22.25 «Олтин микрофон».
22.55 Кинематограф. «Серқўёш водий таронаси». Бадиий фильм.
00.35 «Тахлилнома».
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.35 Мустақиллик таронаси.
9.55 Фильм - болаларга.
11.15 Ҳинд кинофильмларидан кўй ва қўшиқлар.
11.45 Ҳинд киноси: «Севишганлар».
15.20 Ёз қўшиқлари.
16.10 Кундузги кинозал: «Васаби».
17.55 Ҳинд киноси: «420-ўйинчи».
20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.15 «30-канал» кинооқшоми: «Анна ва қирол».
23.30 И. Аллегрова концерти.

5.50 «Икки океан сири». 2-серия. 7.00, 9.00, 13.00 Янгиликлар.
7.10 Россияга хизмат қиламан!
7.40, 12.30 «Дисней-клуб».
8.05 «Унутилган қотиллик». 2-қисм.
9.10 «Йўлда ёзилмаган қайдлар» Дм. Крилов билан.
9.30 Ҳамма уйдалигида.
10.05 «Индинги кун ҳаҳвали». Бадиий фильм.
11.45 «Аралаш-куралаш».
12.00 Қутқарувчилар. Шошилинч чақирув.
13.10 Жонли табиат.
14.10 "Қочоқ". Сериал.
15.00 «Билимдонлар» қайтмоқдалар». Сериал.
16.50 «Эртага мактабга». Байрам концерти.
17.55 «Синган найза». Супержангари фильм.
20.00 «Время».
20.30 «Доктор Моро ороли». Ўткир сюжетли фильм.
22.25 Кино чизиғи. «Истаканинг етти йили».

4.45 «5-«б» синфидаги ғаройиб бола». Бадиий фильм.
6.10 Рус лотоси.
7.00 «ТВ-бинго-шоу».
7.35 «Америка. Бир йилдан сўнг».
8.40 «Ха». Кичик комедиялар.
8.50 «Шаҳарча».
9.25 «Сеҳдан — ушна, мендан — бугина». Комедия.
11.10 «Икс» авлоди — «юль» авлоди».
12.00 Хабарлар.
12.20 «Жаҳон бўйлаб».
13.15 Хайвонлар ҳақида суҳбатлар.
14.05 «Икки рояль». Мусиқий дастур.
15.05 «Қулғи хонаси».
16.00 «Иствикс жодугарлари». Бадиий фильм.
18.00 Хабарлар.
19.10 «Бир кун Америкада». Бадиий фильм.
23.20 Автопойга бўйича жаҳон чемпионати.

5.45 «Номаълум сайёра». Сериал.
6.30 «Старт!». Шоу.
7.00 «Бугун».
7.15 «Гусар балладаси». Бадиий фильм.
9.00 Бугун.
9.20 «Золушка ови». Сериал. 12-қисм.
10.20 «Усимликлар ҳаёти».
11.00 Бугун.
11.25 «Қутқарув хизмати».
12.00 «Душанбагача омон бўлсак». Бадиий фильм.
14.05 «Ўз уйини».
15.00 Бугун.
15.25 «Домино» принципи. Ток-шоу.
16.35 «Юзлаштириш».
17.10 «Адмирал Нахимов»нинг ҳалокати».
18.00 «Бугун».
18.20 «Золушка ови». Сериал. 13-қисм.
19.25 «Донни Браско — чақимчи». Жангари фильм.
21.55 «Қиз учун қўрқиқ». Криминал фильм.
0.05 Пепси-чарт.

9.00 «Сўзда ҳаёт». Диний кўрсатув.
9.30 «Супержиноят» бадиий фильми.
11.30 «Узимизнинг йигит». Бадиий фильм.
13.15 Саломатлик формуласи.
13.30 «Қизча отасини излаяпти» бадиий фильми.
15.30 «Сўнгги сабоқ». Бадиий фильм.
18.00 «Минотавр». Бадиий фильм.
20.00 «Мумия: Миср шаҳодаси». Бадиий фильм.
22.30 «Мадемуазель». Бадиий фильм.
0.00 «Китобсеварлар».
0.30 «Қор бобо». Бадиий фильм.

9.15 Тофик уйида.
9.30 «Жосус итларнинг маҳфий ҳужжатлари». Мультсериал.
10.00 «Маҳлуқ фермаси». Мультсериал.
10.30 «Сув париси». Мультсериал.
11.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
12.00 Сахий лаҳза.
12.45 «1/52». Спорт шарҳи.
13.00 «Икс мутантлари». Телесериал.
14.00 Ҳарбий сир.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 АвтоВАЗ лотереяси.
14.55 «Интиком». Драма.
16.45 «Гувоҳ».
17.20 «Агентлик». Комедия сериали.
18.05 «Жосус итларнинг маҳфий ҳужжатлари». Мультсериал.
18.30 «Маҳлуқ фермаси». Мультсериал.
19.00 «Дэвид Копперфилд». Оилавий кино.
20.30 «Мини юбкали агент». Комедия.
22.05 «Мустақиллик куни». Жангари фильм.
1.15 «24». Ахборот дастури.
1.30 «Уни Никита деб аташарди» сериали.
2.30 Тунги мусиқий канал.

7.00 «Биринчи тўлқин». Сериал.
8.00 «Яна гувоҳ». Комедия.
10.00 Ҳужжатли сериал. «Миллий географик жамият билан саёҳат».
11.15 Дискавери соати.
12.00 «Эҳтиросли». Ток-шоу.
12.30 «Биринчи тўлқин» сериали.
13.30 «Мени тушун». Телеўйин.
14.00 «О, омадли!». Шоу.
15.00 «Пандора» лойиҳаси». Комедия.
17.05 «Аждарҳо». Мультфильм.
17.30 «Ташқис: қотиллик». 4-қисм.
18.30 «Катта қирғич». Ҳажвий дастур.
19.30 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Сегодняшко».
21.30 «Ўз хонига қасд қилувчилар клуби ёки ушбоили хонимнинг саргузаштлари». Саргузашт комедия. 3-қисм.
23.10 «Қотил услуби». Триллер.
1.25 «Ойналар». Ток-шоу.
2.25 «Ташқис: қотиллик». Детектив сериал.

8.35 «Ҳамма вақт Москва». Ҳужжатли сериал.
9.00 «Нимадан? Нимага?» Болалар учун дастур.
10.00 Мультпарад.
10.45 Мусиқий дастур. «Дала почтаси».
11.15 Боғимиз.
11.35 Маззали қисм.
12.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 «Кишлоқ ўқитувчиси». Бадиий фильм.
14.25 «21-хона» дастурида саломатлик ҳақида.
15.00 Воқеалар. Москва вақти.
15.20 «Сана» телеканали.
16.25 Мультфильм. «Читли кўча».
16.40 Л. Дуров «Динки-жазлик Жорж» фильм ҳақида.
17.15 От спорти бўйича жаҳон халқаро беллашувлар.
19.10 «Америкалик бува». Комедия.
21.00 «Ҳақиқат лаҳзаси».
22.00 «Аёл мантиғи». Детектив. 1 ва 2-қисмлар.
0.10 Воқеалар. Москва вақти.
0.20 «Рақсга тушаётган шаҳар». Ёшлар гала-концерти.

Ҳурматли сотувчи ва харидорлар!

«Отчопар буюм бозори»

очиқ акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга яратилган шароитларни яхшилаш, савдони замонавий услубларда ташкил этиш, савдо жойларини қайта жиҳозлаш, бозор ҳудудини ободонлаштириш ҳамда зарур хизмат турларини барпо қилиш мақсадида шу йилнинг **1 сентябридан бошлаб «Отчопар буюм бозори» қайта қуриш ишларини амалга ошириш учун вақтинча, 3 ой муддатга ёпилади.**

Савдо фаолиятини давом эттириш истагида бўлган тадбиркорларга «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозорлардан мавжуд бўш савдо расталари тавсия қилинади.

«Отчопар буюм бозори» ОАЖ маъмурияти.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАРГА
ШОШИЛИНГ!

Ўзсаноатқурилишбанки Бизнес фонд маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишни таклиф этади.

Кредитлар қуйидаги мақсадларга, яъни мини ускуналар, уруғлик сотиб олиш, тикув дастгоҳларини харид қилиш ва чорвачиликни ривожлантириш учун ажратилади.
Бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган ва давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан ошмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилади.
Кредит миқдори микрофирмалар ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 300 бараваригачани ташкил этади.
Бундай кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг 6/1 қисми, яъни йиллик 5% миқдорида ажратилади.
Кредитлар учун имтиёзли давр белгиланган бўлиб, кредит ажратилганидан сўнг 12 ой муддат ўтгач кредит учун ҳисобланган фоизларни ундириш бошланади.
Бундан ташқари, уруғлик, кўчатларни ва чорва молларини аҳолидан сотиб олиш учун кредитнинг 50% миқдорида нақд пулда ажратилиши мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 133-99-04, 136-06-75

ТИКИШ ВА БИЧИШ КУРСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.
«ЎЗБЕКИСТОН АТЕЛЬЕСИ».
ТЕЛЕФОНЛАР: 55-73-94, 55-79-00.

Бодомзорда жойлашган иккита уйни сотаман.
Телефон: 35-09-95, 35-26-47.

Сўранг, жавоб берамиз

Қон-қариндошлик ҳақида маълумот берсангиз.

Ф.Халимова.

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан — иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо. Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг — учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.

* * *

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш қоидалари қандай бўлади?

М.Ҳакимова

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг бажарилишини бир тарафлама рад қилишга ёки унинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволида жиддий ўзгаришлар юз берганда ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида улар ўзаро келиша олмаганда, манфаатдор тараф келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини ҳал қилишда тарафларнинг эътиборга лойиқ ҳар қандай манфаатини ҳисобга олишга ҳақли.

* * *

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган фуқароларга пенсия тўлаш қай тартибда амалга оширилади?

Р.Асқаров.

Чет элга доимий равишда яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдидан 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

* * *

Мен пенсионерман. Шу билан бирга ногиронман. Лекин мен ногиронлик эмас, ёшга доир пенсия оламан. Агар ногиронлик пенсиясига ўтмоқчи бўлсам, қачондан бошлаб тўлов амалга оширилади. Орада узилиш бўлмайдими?

М.Эргашева

Агар ногиронлик тегишли тартибда тасдиқланган бўлса, сиз пенсиянинг бир туридан бошқасига ўтказишни хоҳласангиз, тегишли ариза ва барча ҳужжатлар билан ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишингиз керак.

Бунда бошқа пенсияга ўтказиш мурожаат этилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан тўлов амалга оширилади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бахтингдан кўрайми, тахтингдан?

Хиёбондан ўтиб бораётсак уч-тўрт бўйга етган қизлар бир жойда тўпланишиб туришибди. Тагига пастак курси қўйиб олган ўрта ёшли аёл улардан бирига нималарнидир бидирлаб тушунтиряпти. Йўлак бўйлаб яқинроқ боргач қулоғимизга аёлнинг шундай сўзлари эшитилди.

—Эҳтиёт бўл қизалоқ, ўша йигит сени сехру жоду қилиб қўйган. Бўйнингдан шу амалларни олиб ташламаса, у йигит сени бир балога мубтало қилиши мумкин.

Билдикки, башоратчи хотин қиз бечорани ночор аҳволда қолдириб, йўқ ёлғонлар билан фикр-хаёлини ўзига қаратиб тизгинлаб ояпти.

— Қандай қилсам қутуламан ундан, — сўрайди ҳали тушига кирмаган бу гапдан боши қотган қиз.

— Унинг жазоси мана бу тумор. Уни тақиб юрган кишига ҳеч қандай сехру жоду кор қилмайди.

— Шуни менга бера қолинг холажон.

— Албатта уни сенга бераман. Лекин бироз баҳоси қиммароқда.

— Қанча туради?

Башоратчи хотин қизнинг қулоғига шивирлади.

— Вой бунча қиммат бунақа пулни қайдан оламан.

— Пул бўлмаса ўрнига ўрин тилла тақинчоқлар ҳам олавераман. Қулоғингдаги зиракка алмаштирамизми?

Билмадик, одамлар тақдирини олдиндан кўра-биладиган шундай одамлар борми-йўқми? Лекин бор бўлган тақдирда ҳам улар ҳеч қачон кўча-кўйда ўтириб олиб ўтган-кетганни ўзига имлаб ёлғон-яшиқлар билан бошини қотиришмайди. Табиат шундай иқтидор ато этган ноёб фазилатли кишилар заруриятдан ўзларига учраган одамларга беминнат керакли маслаҳатларни беришади. Ихлосмандлар берганига қаноат қилиб кетишаверади. Арзимас бир тумор учун тилла тақинчоқ сўраб ўтирмайди. Қизиғи шундаки, «Илоннинг ёғини ялаган» кўча башоратчилари эса йўқ ердаги гапларни топиб баъзан ишонувчан, соддадил, ҳали ҳаёт тажрибаси йўқ кишиларни шундай авраб қўядики, натижада улар ёлғон-яшиқларга ишониб «Бошига ёғилаётган абри балолардан қутилиш учун башоратчи» айтганини қилишади. Кўз олдимизда ўтирган қиз ҳозир шундай карахт ҳолатда эди. Унинг дугоналаридан бирини имлаб олдимизга чақирдик. Унга дилдаги гапларни айтдик. Қиз анча тийрак экан, дарҳол бориб тилла зирагини башоратчига ечиб бераётган дугонасининг қўлидан тутди.

— Вой Холис, жинни бўпсан, юр кетамиз.

Кейин дугоналар қизни зўрлаб, қўлидан тутиб олиб кетишди.

Шу боис бундан икки йил олдин бўлиб ўтган худди шу каби бир воқеани эсладик.

Ўшанда уйимизга Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан меҳмонлар келишганди. Кутиб олдик. Эртасига эркаклар уйда қолиб аёллар шаҳар айлангани чиқиб кетишди. Кечки пайт ҳориб-чарчаб қайтиб келишди. Дастурхон атрофида ўтирган эдик меҳмонлардан бири қизининг қулоғига тикилиб қолди.

— Ҳалимахон, зирагинг қани? Онасининг гапидан сўнг қиз қулоғини ушлаб кўрди, ранги бироз оқарди-бўзарди.

— Шу ерда, ёстиқнинг тагида.

Она кўнгли бир нарсани сезгандек, сўраб-суриштиришни қўймади. Кейин билсак улар хиёбондан ўтаётиб бахтингдан айтайми, тахтингдан айтайми, деб юрган ромчига дуч келишибди. Ромчи хотин қўлидаги ойнага тикила туриб:

— Опажонлар, сизларни йўлларингиз ёрқин, ўртада ҳеч қандай тўсиқ йўқ, лекин мана бу жувонга айтадиган бир-икки оғиз зарур сўзим бор, деб Ҳалимахонни қўлидан тутиб олибди. Шундан сўнг ромчи Ҳалимахонни ўғлингни бир фалокат кутяпти. У шундоққина кўзимга кўринибди турибди. Агар хоҳласанг уни олдини олиш мумкин», деган гаплар билан алдаб-суллдаб қулоғидаги зиракни ечиб олибди-да унга:

— Эрталаб шу зирагингни ёстиғингни тагидан топасан. Шунда ўғлингдан фалокат юз ўгиради. Лекин бу ҳақда бировга оғиз очмайсан. Ҳатто яқинларингга ҳам айтмайсан, — деб тайинлабди. Шунинг учун Ҳалимахон тушмагур ўғлини фалокатдан ҳоли бўлишига ишониб бу воқеани ҳатто онасига ҳам айтмаган экан.

Афсуски эрталаб Ҳалимахон кутган иш бўлмади. Ёқут кўзли зирак ёстиқ остидан чиқмади. Ромчи ўтирадиган жойга чопдик. Бахтингдан кўрайми, тахтингдан кўрайми, дея ўтганларга соядек эргашувчи ўша башоратчини икки кун пойладик. Лекин ундан дарак бўлмади. Бу сафар у қорасини кўрсатмай кетди.

Ғийбат қалбни кемиради

Эътиборли одамларга раҳмат. Ҳозида газетанинг «Гап эгасини топсин» рукни остида бериладиган мақола учун мавзуни уларнинг ўзлари топиб беришади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Тахириятга қўнғироқ қилган мухлисимиз ғийбатчидан қуйган экан чоғи шу ҳақда мақола берсаларингиз яхши бўларди, билиб-билмай, бегуноҳ одамлар ҳақида сўз тарқатиб юрадиган тилига ортиқча эрк берувчи баъзи кимсаларга ибрат бўларди, деб қолди. Унинг таклифи ва ушбу мавзунинг эътиборлилигини инобатга олиб шу ҳақда қулоққа чалинган ёки кўрган-билганларимиз ҳақида сўз айтишга жазм этдик.

...Ҳадичахон турмуш ўртоғи билан иноқ яшарди. Бир ғийбатчининг касофати билан шундай оила айриликка юз тутди. Қўшни аёллардан бири уни тунов куни кўчада бир хушрўй йигит билан кетаётганлигини кўриб қолибди. Бу гап оғиздан оғизга ўтиб охири Хадичахоннинг қулоғига етди.

— Вой, у йигит билан бир жамоада ишлаймизку. Йўлимиз бир бўлгани учун бекатгача биргалашиб кетдик, — деди у ўзига бу қуруқ туҳматни етказганларни ишонтириш учун.

Йўқ, улар ишонишмади. Гап барҳам топмади. Қиссадан ҳисса чиқарувчилар бу тўғри гапдан ўзгача маъно чиқаришди. Ниҳоят бу ғийбат гап эр Ўктамжоннинг ҳам қулоғига етиб борди.

Эр-хотин ўртасида нима гаплар бўлди билмадик. Лекин шу ғийбат сабаб ўртага совуқчилик тушиб бир оила барбод бўлганлигини эшитдик...

Озодахон хонага кириб эшикни маҳкам ёпди. Қўлидаги сумкасини иш столига қўйиб ҳамхонаси Наргизанинг қулоғига шивирлади.

— Бир гап айтаман бировга чурқ этиб оғиз очмайсан.

— Нима экан?

— Ҳуморхоннинг номзодлик ишини Кабир ака ёзиб берган экан.

— Вой, ўзим ҳам ўйловдима, бу писмиқ индамай-нетмай, қандай ёзишга улгурди экан, шундай катта ишни деб.

Наргизахон бу янгиликни ичига сиғдиролмади. Тушликда уни яқин дугонасига етказди. У эса бошқасига. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бу гап бутун институтга тарқалди.

Раҳбарлар одиллик қилишди. Ғийбатнинг тагига етишди. Жамоа орасида тарқалган бу гап исботини топмади. Кўпчилик олдида Озодахоннинг юзи шувит бўлди...

— Хўжайин, — деди хонага тиржайиб кириб келган Одил Қосимович, — хабарингиз борми-йўқми билмадим. Лекин сизни отамдан улуғ кўрганим учун бир муҳим гапни эътиборингизга етказиб қўймоқчиман.

— Эшитаман, — ҳайрон бўлиб деди Карим Пардаевич.

— Анави Салим Холиқович борку, ўша сиз ҳақингизда кўча-кўйда бўлмағур гапларни тарқатиб юрганмиш.

Бошлиқнинг ранги оқарди. Асабини жиловлаб ололмай столга муштлади.

—Вой, яхшиликни билмаган нонкўрэй. Мен унга қанча яхшиликлар қилсаму, эвазига ундан кўрганим шу бўлдими? Энди кўрсатаман унга.

Салим Холиқовичнинг боши гаранг. Нега бошлиқ тўнини бирдан тескари кийди. Ораларидан ҳеч қандай гап ўтгани йўқ. У чидади. Турли мулоҳазаларга бориб индамай юраверди. Карим Пардаевич унга нисбатан зўғумки ошираверди. Ҳатто бир куни ҳамкасбларидан бири хўжайиннинг «Яхшиликча ишдан бўшаб кетаверсин», деган гапини Салим Холиқовичга етиғи билан етказди.

Нега, нимага? Қай гуноҳим учун? Хўжайин билан бақамти гаплашиш ниятида унинг олдига киришга бир неча бор чоғланди. Лекин котиба «бандлар» деб киритмади. Жаҳл чиқса ақл кетади. Табиатан бир сўзли, чўрткесар, Салим Холиқовичнинг ҳам ўжарлиги тутди. Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди.

Кўп ўтмай Карим Пардаевичнинг паймонаси тўлди. У ишдан олиш чоғида ишонган тоғи, Одил Қосимовичдан эшитадиганини эшитди. Йиғилишда Одил Қосимович хўжайиннинг йўқ ердаги қилмишлари ҳақида шу қадар сайрадики, ана ўшанда Карим Пардаевич ҳаммасига тушунди. Тушунди-ю тилини тишлади.

Чиндан ҳам шира майсани, занг темирни, ғийбат эса қалбни кемиради. Шундай экан, ҳой, ғийбатчи одам ўзгалар ҳақида бетайин сўз айтишдан аввал унинг оқибатини ўйла.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

«02»: ҲОДИСАЛАР

●Бирлик мавзесида яшовчи, бирон ерда фойдали иш билан шуғулланишни ўзига эп билмайдиган Б.Бобирхон исмли йигит бекорчиликдан зерикди шекилли, хаёлига келиб қолган қалтис режасини амалга ошириш пайига тушди. Метронинг «Чилонзор» бекати ёнида турган «Тико» русумли Стародубцев кўчаси, 1-уй, 8-хонадонда истиқомат қилувчи М.Жавҳарова тегишли автоуловнинг эшикларини сих ёрдамида очиб кириб, ичидан «ДЭУ» автомагнитоласини олганича қочиб қолади. Аммо жабрланувчининг тезлик билан милицияга хабар берганлиги боис, у ҳеч қутилмаганида тузоққа тушиб, далилий ашёни ўз қўли билан олиб келишга мажбур бўлди.

●Собир Раҳимов тумани, Аҳил кўчасида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган М.Умид исмли кимса бўлса, спиртли ичимликка тўйиб олиб, карахт миясига ўрнашиб қолган қабиҳ ишни амалга оширишга ахд қилди. У Ниёзов кўчасидаги 6-уй, 51-хонадонга дераза орқали кириб, уй эгаси К.Юсуповага тегишли «LG» русумли видеомагнитофонни ва «Самсунг» русумли фотоаппаратни ўғирлаб кетаётган вақтида милиция ходимларининг қўлига тушиб қолди. Ҳозирда ушбу жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари кетмоқда.

●Гиёвандлик иллатига қарши бутун ер юзида қатъий равишда кураш олиб борилаётган бир пайтда, айрим ноқобил кимсалар бунинг ортидан мўмай даромадни кўзлаган ҳолда, инсоният саломатлигига қаттиқ салбий таъсир кўрсатувчи захри қотил моддалар олди-сотдиси билан шуғулланмоқдалар. Ана шундай хавфли жиноятга қўл уриб, ёнида 53, 64 грамм миқдоридаги героин моддасини олиб юрган, Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчасида яшовчи Й.Омон деган шахс ҳам бугунги кунда қонун олдида тегишли жавоб бермоқда.

●Ўз эҳтиёжлари учун харид қилиш мақсадида Бектемир туманида жойлашган «Қўйлиқ» улгуржи бозорига келган Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Янгибозор» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ж.Асанова шундай кўнгилсиз ҳолатга тушиб қоламан деб ҳеч ўйламаган эди. Чунки нархи 70.000 сўмда баҳоланадиган тилла занжирини қутилмаганда юлиб олиб қочган номаълум шахс унга моддий зарар етказиш билан бирга қўрқитиб юбориб, соғлиғининг ҳам маълум вақт бузилишига сабабчи бўлди.

Воқеа жойида ҳозир бўлган туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида, қўлга олинган бу талончи, А.Навоий кўчасида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган А.Содиқ бўлиб чиқди.

●Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 45-уйда истиқомат қилувчи Л.Бабаева ўзининг уйида йўқлигида, номаълум шахслар томонидан ўғирлик жинояти содир этилиб, бир дона «LG» русумли телевизори, «БК-1500» русумли кондиционери ва 2 та гилами ўмариб кетилганлиги тўғрисида туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар қилди. Воқеа жойига зудлик билан етиб келган тезкор гуруҳ ходимлари қисқа фурсатлар ичида жиноятчини аниқладилар. Ўғри жабрланувчининг ўз ўғли Р.Бабаев бўлиб чиқди.

●Миробод тумани Ховаронаҳр кўчасида Миробод туманилик ҳеч қаерда ишламайдиган Р.Асомиддин исмли кимса фирибгарлик йўли билан Юнусобод тумани, 9-даҳа, 16-уйда истиқомат қилувчи фуқаро М.Ҳусаиновани алдаб, «АҚШга ишга йўлланма учун ҳужжатларингни тўғрилаб бераман» деб, унинг 2200 АҚШ долларини олиб, жуфтакни ростлаган. Ҳозир бу жиноятчининг устидан ҳам тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази нозири.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўйганиё доно бўлур...

● Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошингга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутула олмайсан.

● Сўраб — суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

● Заиф, қўрқоқ, алдамчи дўстдан душман афзал.

● Сукрот ҳаким айтади:

— Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши мадҳ — сано биландир.

● Араб фозилларидан Асмаий айтади:

— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. У бир киши сиғарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосга ўтиришга таклиф этди. Шунда мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф этасан, — деган эрдим, у айтди:

— Икки душман бутун бир ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

ҚИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганида тулки унга ёлборибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик озғин нотавон маҳлуқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

ҲИССА: Дўст танлашда шошилмаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, ғаддорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:

Кимки дўстликни хор айлабди, уни —
Қисмат жазолагай — чиқиб тутуни.

● Камолотга илмсиз етишиб бўлмайди ва бундай киши улуғликдан узоқдир.

● Худбинлик ҳар бир гуноҳдан кўра оғирроқдир. Худбин киши ҳеч қачон улуғлик даражасига етолмайди. Ойни қара — жамолини кўрсатур, икки ҳафта худбинлик қилгани учун чоҳга қулаб кўринмай кетади.

Байт:

Илм қидирсанг улуғ бўларсан,
Ҳаёт фаровон, нурга тўларсан.

ҲИКМАТ: Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлиқ ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ўқни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун ва қип-қизил. Камон эгри бўлгани учун ип билан боғланиб, банди қилинган.

ҲИКОЯТ: Бир куни дарахт билан унинг соясо борасида баҳс пайдо бўлди. Дарахт соя-га деди:

— Эй қора юзли соя, жигар бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Демак шундай экан, манманлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

Соя деди:

— Эй лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, хушингни йиғ ва мендан юз ўгира кўрма, ҳовлиқиб бўйнингни чўзмагинки, уни узиб олмасинлар. Мен доим хокисор бўлиб, ерга ястанганим учун кун тигидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўйим баланд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонпарварлигимдан бахраманд бўлади. Беқарорлигингдан гоҳ ялангоч бўлиб олсанг, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Дарахт соянинг гапларини эшитиб, унга шундай жавоб берди:

— Эй соя, ҳаддингдан ошма, паст ҳиммат кишилар каби лоф-қоф урма. Эшитмаганмисан, кўршапалак офтоб билан ўчакишса, ўзини ҳалок қилади, шиша тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Уларнинг баҳсини эшитиб турган булбул сояга хитоб қилиб деди:

— Эй соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан юлиб ташла, кимки ўз пойига теша урса, ўзи қулайди, сенинг ҳаётинг дарахтга боғлиқ.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Муҳаммад Авфий
Жавомиъ ул-ҳикоёт

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ниҳоятда зиқна ва рашкчи бир киши бор эди. У уйланмоқ фикрига тушди. Шундан сўнг, ҳовли ва уйнинг атрофларини баланд деворлар билан ўради. Токи бирор номаҳрамнинг кўзи бу ҳовлига тушмасин, шунингдек, хотини ҳовлидан чиқолмасин ва атрофга мўраламасин, деб барча тешик-туйнукларни беркитди.

Тўй бўлиб, хотин келгач, эрининг феъл-атворига чидаб, бир неча кун яшади. Ниҳоят, хотин зерика бошлади. Эри эса уйга қўни-қўшниларнинг ҳам киришига қаршилик кўрсатарди. Кунлардан бир кун хотин эрига деди:

— Нима учун мендан бунчалик хавфсирайсиз ва қамоқдаги маҳбусдек муомала қиласиз? Агар хотин киши бадкирдор ва бадбахт бўлмаса, у ҳеч қачон ўз эридан бошқага рағбат қилмайди. Сен менга ишон ва мени ўз ҳолимга қўй! Менинг иффатим саломат, диёнатим эса ҳар қандай фаҳшликдан омон сақлайди...

Эр хотинининг сўзларига парво қилмади. Аксинча эшиктешикларни янада маҳкамроқ беркитиб қўйди. Хотинидан шубҳаланиш янада авж олди. Хотин эса эри олдида ўз сўзининг тўғрилиги борасида далил келтириш чорасини қидира бошлади.

Хотиннинг қўшниларидан бири қари кампир бўлиб, гоҳ-гоҳо келиб, эшик тирқишидан ҳол-аҳвол сўрашиб кетар, ҳар келганда ёш хотиннинг аҳволига ачинар ва ҳамдардлик билдирарди.

Кунлардан бир кун кампир келганда, хотин унинг қўлига бир хат тутқазди ва қўшни йигитга беришни илтимос қилди. Хатда шундай дейилган эди: «Эй йигит, мен сенинг ишқингда кўпдан буён ёнаман. Ишқ савдоси мени девона қилди».

Кампир хатни қўшни йигитга етказди. Йигит хотиннинг ҳусн-жамоли ва васфини эшитиб юрган эди. Бинобарин, йигит ниҳоятда севинди ва хотиннинг эшиги олдига келиб:

— Сенинг ойдек юзингга, санобардек қадду қоматингга жоним фидо бўлсин. Мен сенинг хизматингга тайёрман. Аммо эринг кўп ғаюр ва рашкчи, беҳиммат одамдур. Алҳол, бизнинг бир-биримизга етишмоғимиз ниҳоятда мушкулдир, — деди.

— Агар мақсадинг менга етишмоқ бўлса, у ҳолда чораси топилади.

— Қандай қилиб?

— Сен бугундан бошлаб сафарга жўнашинг ҳақида овоза тарқатасан. Бир катта сандиқни тайёрлаб қўясан. Эртага кечқурун эримнинг олдига келиб, «Мен сафарга кетяпман. Молмулкимни бир катта садиққа солиб қулфлаб қўйдим. Аммо сандиқни кимга топшириб кетсам экан, деб кўп ўйладим. Замон нотинч, ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Бинобарин, ушбу сандиқни то мен сафардан қайтгунимча, уйингизда сақласангиз. Сафардан саломат қайтсам, албатта қайтариб оламан», деб илтимос қил. Эрим бунга албатта рози бўлади. Сен эрим билан хайрлашиб, «сандиқни эртага хизматкорим олиб келиб беради», дейсан. Эртасига ўзинг сандиққа тушиб оласан-да, хизматкорингга кўтартириб, бу ерга келасан.

Ана шундан сўнг, эрим уйда бўлмаган вақтларда сандиқдан чиқиб менинг висолимдан баҳраманд бўласан».

Йигитга бу тадбир маъқул тушди. Йигит завқ-шавқнинг ҳарорати билан ишнинг оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмади ва ишга киришди. Ўша кундан бошлаб, «фалончи сафарга жўнармиш», деган овоза тарқалди. Йигит кечқурун келиб хотиннинг эри билан хайрлашди ва сандиқни келтириб қўйиш учун ундан ижозат олди.

Шундан сўнг, йигит сандиқ ичига кириб ўтирди. Хизматкор сандиқни қулфлаб, ҳаммолга кўтартириб хотиннинг уйига олиб келди. Ваъдага мувофиқ, хотиннинг эри сандиқни жойлаштириш учун жой кўрсатди. Хизматкор билан ҳаммол сандиқни кўрсатилган жойга қўйдилар. Ҳаммол кетди. Хизматкор ҳам кетиш тараддудида эди. Иттифоқо, ичкаридан хотин чиқиб келди ва сандиқни кўриб, ҳайрон бўлди ва эрига савол назари билан қаради. Эр хотинга воқеани тушунтирди.

— Сандиқнинг ичида нима бор экан? — деб сўради хотин.

— Билмайман.

— Бу ишинг ақлдан узоқдир. Бировларнинг сандиғини омонат сақлаш учун уйингга олиб кирсанг, аммо ичида нима борлигини билмасанг. Мабодо, эртага сандиқ эгаси қайтиб келиб, «сандиқ ичида зару жавоҳирлар бор эди, топиб берасан», деса нима жавоб қиласан?.. Қозига чақирса, қасам берса, ҳар икки ўртада хусумат вужудга келиб, бадномликни орттирасан. Яхшиси, хизматкорига буюргил, токи сандиқни очсин ва нима борлигини бизга кўрсатсин.

Хотиннинг сўзи унга маъқул кўринди ва йигитнинг хизматкорини чақириб, сандиқни очишга буюрди. Хизматкор ўз хожасини сандиқ ичидалигини биларди, шунинг учун сандиқни очишга рағбати йўқ эди. Бироқ очмасликка ҳам иложи йўқ эди. Ниҳоят, сандиқ қулфини очиб қопқоғини қўтарган эди, сандиқ ичидан йигит чиқиб келди. Йигит хижолатдан тили калимага келмасди. Шунингдек, хотиннинг эри ҳам таажжубда ҳайрон эди.

Хотин сўзга кирди: «Эй хожа, йигитда ҳеч гуноҳ йўқ. Бу ишларнинг ҳаммасини мен қилдим. Сен мени муҳофаза қилишда ҳаддан ташқари муболаға қилдинг. Агар хотин кишининг кўнглида софлик бўлмаса, минг ҳаракат қилсанг ҳам уни тутиб туриб бўлмайди, деб сенга бир неча марта айтдим. Сен гапимга ишонмадинг. Мана бугун ўз ихтиёринг билан уйга олиб келиб қўйдинг. Агар мен сандиқни очиб кўришни талаб қилмаганимда... Аммо менинг бундан кўзлаган мақсадим ўз сўзим тўғрилигини исботлаш эди. Энди мени ўз ҳолимга қўй ва беъмани ҳаракатлардан тийилгин»

(Давоми бор.)

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 2. Тошкентдаги меъморлик обидаси. 4. «Мирзо Улуғбек» драмаси муаллифи. 5. Қадимги ҳинд тили. 8. Швециядаги порт шаҳар. 9. Инсоннинг ўйлаш, фикр юритиш қобилияти. 12. Тригонометрик функция. 15. Қувват ўлчови бирлиги. 16. Улкан илон.

Ёйлар бўйича: 1. Марказий Осиёдаги тоққа номдош бозор. 3. Радиоактивликка оид кашфиёт муаллифларидан бири, француз олими. 6. Ток тупи қисми. 7. Спорт майдони. 10. Молия муассасаси. 11. Шарқона гўзал иморат. 13. «Консузло» романини ёзиб қолдирган француз адибаси. 14. Тўқувчилик ашёси.

Шакл атрофида «занжир» ҳолида: 17. Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган маросим. 18. Европадаги пойтахт шаҳар. 19. Байрам олди куни. 20. Яқин киши. 21. «Иймон» драмаси қаҳрамони. 22. Мусиқа асари. 23. АҚШ штати. 24. Гана пойтахти. 25. Юнон алифбосидаги ҳарф. 26. Туркия жанубидаги шаҳар. 27. Кўрсатиш олмоши. 28. Қадимий транспорт воситаси. 29. Қон томири тури. 30. Краснодар ўлкасидаги шаҳар.



Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Қомусий аллома, биринчи глобус ихтирочиси — 7, 13, 14, 4, 5, 11, 3.

2. Спортда қўлланиладиган улоқтириш анжоми — 8, 1, 14, 15.

3. Тиниш белги — 16, 18, 14, 15, 17.

4. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги дастлабки манбалар мажмуи — 9, 15, 12, 2, 10, 6. Энди очқич жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган мусулмон олами чаҳорёрларидан бири ҳазрат Али ёзиб қолдирган ҳикматни билиб олинг.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 16 август сонида берилган «Қ» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари

Ёйлар бўйича: 1. Қулон. 2. Қошиқ. 3. Қомус. 4. Қодирий. 5. Қодиров. 6. Қайин. 7. Қайиқ. 8. Қувасой. 9. Қурилиш. 10. Қалам. 11. Қалай. 12. Қоражон. 13. Қорамол. 14. Қанот. 15. Қасам. 16. Қовоқ.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Бодом. 2. Шарқ. 3. Ўзган. 4. Ҳосил. 5. Тож. 6. Йил.

Ҳикмат: Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6